

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЭТНОТОПОНИМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

А. Эргашев

Андижон давлат университети ф.ф.н.

Тарихчиларнинг асарларида топонимлар тарихига оид баъзи мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, улар бу номларни тўла маънода филологик аспектда ўрганишни мақсад қилиб олмаган, шу сабабли топонимларни тил ходисаси сифатида ўрганиш тилшуносликнинг долзарб муаммолардан бири саналади. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг энг гўзал, диққатга сазовор минтақаларидан бири бўлган Андижон вилояти этнотопонимларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари бўйича фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: андижон, қадимий давр, араблар даври, мўғуллар даври, қипчоқлар даври, шўролар даври, мустақиллик даври, этнотопонимлар

ABSTRACT

Although there are some comments on the history of toponyms in the works of historians, they do not aim to study these names in the full philological aspect, so the study of toponyms as a linguistic phenomenon is one of the current problems of linguistics. This article presents opinions and comments on the stages of formation and development of ethnotoponyms of Andijan region, one of the most beautiful and remarkable regions of Uzbekistan.

Keywords: Andijan, ancient period, Arab period, Mongol period, Kipchak period, Soviet period, independence period, ethnotoponyms.

КИРИШ

Тарихга назар ташласак, ўзбек миллати узоқ ва мураккаб тарихий жараёнларда турли халқларга мансуб бўлган қабила ҳамда уруғлар билан ўзаро аралашиб, қўшилиб кетиши натижасида шаклланганлигини кўрамиз. Халқимиз ичида туркий халқларга мансуб бўлган қорақалпоқ, уйғур, қирғиз, қozoқ, татар, турк миллати вакиллари билан бирга форс-тожик, араб, рус, лўли, мўғул каби бошқа халқ вакиллари учратиш мумкин. Ўзбек халқининг миллат бўлиб уюшувида кўплаб этник гуруҳлар ўз улушини кўшган, уларнинг маданияти, тили, халқимиз ўтмишини яратишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу этник

гуруҳлар номи ва шу асосда юзага келган жой номларини тадқиқ қилишда этнотопонимлар алоҳида ўрин тутлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Этнонимлар ва улар асосида юзага келган жой номлари азалдан тарихчилар, этнографлар, археолог ва географларни қизиқтириб келган. Улар тилнинг бу характерли бой луғавий қатламидан элат, уруғ, қабила ва халқнинг юзага келиши, этногенези, аҳоли турар жойлари миграцияси муаммоларини тадқиқ этиш учун материал, далил сифатида фойдаланиб келишган. Тарихчиларнинг асарларида этнонимлар тарихига оид баъзи мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, улар бу номларни тўла маънода филологик аспектда ўрганишни мақсад қилиб олмаган, шу сабабли этнотопонимларни тил ҳодисаси сифатида ўрганиш тилшуносликнинг долзарб муаммолардан бири саналади.

Тарихдан бизга яхши маълумки, ўзбек, тожик, уйғур, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, туркман каби халқларнинг аجدодлари Ўрта Осиё ҳудудларида асрлар давомида ёнма-ён, кўп ҳолларда аралашиб яшаб келганлар. «...Қадим-қадим замонлардан буён Туронзамин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар, ям-яшил, серҳосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончилик қилганлар». Ўзбек халқи ҳам бошқа туркий халқлар каби маълум уруғ қабилаларидан таркиб топган. Тарих тақозосига кўра ҳозирги кунгача мазкур қабила ва уруғларнинг номлари тўлиғича сақланиб қолмаган ёки унутиб юборилган бўлиб, бу ўз навбатида этнотопонимларнинг келиб чиқиш тарихи ва тил хусусиятларини аниқлаштиришни қийинлаштиради.

Андижон вилояти топонимларини кўздан кечирар эканмиз, ушбу қатламда этнонимлар билан боғлиқ жой номларининг ҳам ўзига хос ўринга эга эканлигини кузатишимиз мумкин. Ўтмишда водий аҳолисини, жумладан Андижон халқининг таркиби турли этник гуруҳларга мансуб кишилардан иборат бўлган бўлса-да, вақт ўтиши билан ўтроқлашиб, этник номлар аста-секин унутилган, лекин халқ ўз этник гуруҳи номини этнотопонимлар тарзида сақланиб қолишига эришган.

Этнотопонимларнинг туманлар бўйича тарқалиш хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, ўзига хос ранг-баранглик ва мураккабликлар кўзга ташланади. Вилоятнинг географик жиҳатдан қулай ерга жойлашганлиги, азал-азалдан Буюк ипак йўлидаги асосий дарвозалардан бири саналганлиги, Қирғизистон, Шарқий Туркистон, Хитой, Мўғулистон каби давлатлар билан

иқтисодий, ижтимоий ҳамкорлик қилиб келганлиги бунинг асосий сабабларидан бири саналади.

Андижон вилоят этнонимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва бири-бири билан этно-генетик аралашиб кетиш жараёнига бир қанча тарихий воқеалар, аҳолининг кўчиши, турли ижтимоий алоқалар, шу билан бирга, турли хил ички ва ташқи омиллар сабабчи бўлган. Улар тузилиши жиҳатдан бой, этник ранг-баранглиги билан бошқа минтақалардаги этнонимлардан фарқланиб туради. Иккинчи томондан Андижон вилояти этнотопонимларига қирғиз ва уйғур этнонимларининг таъсири кўпроқ бўлган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Этнотопонимларни тадқиқ қилишда қуйидаги икки жиҳатга алоҳида эътибор бериш даркор. Биринчидан, этнотопонимлар маълум тарихий даврлар маҳсули бўлиб, ўрганилаётган ҳар бир этнотопоним замирида ўзбек халқининг маиший ҳаёти, орзу-умиди интилишлари ўз аксини топган бўлади. Иккинчидан, этноним ва этнотопонимларни тўплаб тадқиқ этиш ўзбек тилидаги атоқли отлар тизимининг шаклланиш босқичлари хусусида қимматли маълумотларни беради. Ушбу материалларни алоҳида олинган ҳудудлар бўйича тўплаш, ўрганиш минтақавий лисоний ҳодисалар тизимининг ўзига хос қонунияти ва хусусиятларини очишга кўмаклашади.

Этносларро алоқалар «этномулоқот ҳудуди» деб номланувчи ҳудудларда бир мунча қизғин кечади. Одатда, бундай ҳудудлар аҳолисининг этник жиҳатдан турли-туманлиги билан ажралиб туради. Андижон вилояти ҳам айнан мана шундай этномулоқот ҳудуди ҳисобланади. Андижон вилоятидаги этнотопонимларнинг ўзига хослиги, пайдо бўлиши, ривожланиши ва тараққиётини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин.

1.1.Қадимий давр. Бу давр давлатчиликнинг пайдо бўлиши, мавжуд топонимларнинг абorigен ҳолати ва илк жой номларининг пайдо бўлиши билан характерланади. Маълумки, халқ тили мазкур этноснинг шаклланиш жараёнида тараққий этиб боради. Муайян бир этнос бошқа этнос билан муносабатга киришар экан, ушбу муносабатлар уларнинг тилида ўз аксини топади. Андижон вилояти ҳудудида антик даврлардаёқ турли этносларга мансуб халқлар яшаган бўлиб, улар тарихчилар таъкидлагандек, фақат эроний тилларида сўзлашувчи этнослардан иборат бўлмай, балки катта бир гуруҳ вакиллари туркий тилнинг турли лаҳжаларида гаплашганлар. Аниқроқ қилиб айтганда, бу ҳудудларда антик ва илк ўрта асрлардаёқ туркий тилда сўзловчи халқлар муқим яшаган

бўлиб, улар минтақада кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий, жумладан этнолингвистик жараёнларда фаол иштирок этганлар. Этнолингвистик жараёнлар, албатта, этногенетик, этнотопонимик, этнос ва этнослараро жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечган.

Ўша даврларга оид бўлган Андижон, Асака каби топонимлар остида эрамиздан аввалги минг йилликларда мазкур ҳудудда истиқомат қилган *ад*, *анди*, *сак*, *асаке* каби қабилаларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи яшириниб ётган бўлса ажаб эмас. Бу давр вилоят топонимиясининг эволюцион ривожланиш жараёни ҳисобланиб, секин-асталик билан кейинги даврларда ривожланиб борган. Маълумки, ҳар бир этнотопоним ўз этимологиясига эга. Уларнинг айримлари ўзининг илк шаклланиш ҳолатини сақлаб қолган бўлса-да, айримлари бундай хусусиятни бутунлай йўқотган. Бунинг исботини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин.

Андижон тарихий манбаларда *Анדיян*, *Андикон*, *Андукон* шаклларида қайд қилинган. Бобур давридан бошлаб Андижон тарзида ёзиб келинади. Маҳмуд Кошғарий қадимги Фарғонада, жумладан Ўзган шаҳрида яшовчи туркийларнинг этник таркиби чигиллардан иборат эканлигини қайд қилар экан, Ўзган ва унга яқин Азғиш шаҳарларида арғуларнинг ҳам яшашларини кўрсатган. Ўша даврларда Ўзганга яқин шаҳарлар Ўш ва Андижон бўлган. Азғиш Ўш шаҳри бўлиши мумкин эмас. Шайх Сулаймон Бухорий томонидан ёзилган луғатда «*адоқ*» сўзига: «*Туркистонда воқииъ Андижон шаҳрининг номи қадимийдир*» деб изоҳ беради. Бунда *Адоқ* билан *Азғиш* // *Адғишининг Ад* ўзаклари бир бирига муносабатли кўринади. Шунга кўра Маҳмуд Кошғарий айтган *Азғиш* шаҳри *Андижон* < *Андукон* бўлмоғи, *А(н)дигон* > *А(н)ди*, ёки *А(н)дугон* ўша *Аз(Ад)ғиш* нинг фонетик варианти бўлиши мумкин. Ўрта асрларда *анди* деган турк қабиласи бўлганлигини инобатга олиб, бир неча олимлар мазкур ҳудудларда *анди* яшаганини айтиб ўтишган. Ривоятларга кўра шаҳар «*адоқ*», «*азоқ*», «*анди*» каби этнонимлар билан боғлиқ эканлиги ҳикоя қилинади. Андижонлик тарихчилар эса ўзбеклар ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг таркибига кирган қабилла-уруғлар орасида *анди* деган туркий қабилла учрамаслигини таъкидлашади. Андижон топоними *ад* деган туркий қабилла номидан келиб чиққан: бу этнонимга форсча кўплик кўшимчаси кўшилиб, *адгон-адигон* шаклида таллаффуз қилина бошлаган ва кейинчалик ўртага «*н*» товуши кириб қолган, деб изоҳлашади.

Шаҳрихон, Булоқбоши, Улуғнор, Андижон туманларида ҳам ушбу топонимни учратишимиз мумкин. Асака туманида эса Андавой шаклидаги этнотопоним мавжуд.

Тилшунос М.Тожибоев Шайбоний девонининг лексик-грамматик таҳлилига бағишланган номзодлик ишида “анда” сўзини мўғул тилидаги “дўст” сўзидан олинганлигини, мўғуллар ўз истилоларидан кейин шу ерга тўпланиб, ўзлари вайрон қилган шаҳарни қайтадан тиклаб, унга “Андигон” -“Дўстлар шаҳри” деб ном беришганини, ушбу сўзни қуда-анда каби лексик бирлик таркибида сақланиб қолганлигини ёзади.

А.Муҳаммаджоновнинг ёзишича, 1974 йил Техронда Муҳаммад Муъин томонидан нашр этилган “Фарҳанги форсий” изоҳли луғатида “анда” сўзига “дўст” ва “рафик”, яъни “ўртоқ” ва “биродар”, деган талқин берилган. “Андижон” топонимининг сўз ясовчи бош бўғинидаги “анда” ёки “анду” морфемаси, фикримизча аслида анда шаклида юритилган. Бу қадимий турк-мўғулча ибора бўлиб, “аҳдлашиб оға ини ёки дўст тутинмоқ”, “яқин биродар, қалин иттифоқдош, ўртоқ, томир бўлмоқ”, қариндошдек муносабатда бўлмоқ” каби тушунчаларни англатган.

Хулоса қилиб айтганда, Андижон атамаси *анди* сўзининг этнонимга айланишидан юзага келган бўлиб, қадимий даврга хос бўлган этнотопонимлардан бири саналади. Номга хос белгилар қуйдагилардир:

1. Дастлабки маъносини аниқлаб бўлмайди.
2. Номнинг келиб чиқишида халқ этимологияси, яъни ёлғон этимология устун бўлади.
3. Ном қисқа ва аниқ, ихчам шаклга келтирилган, талаффузи ўнг, осон ифодаланади.

1.2. Араблар даври. Ҳар қандай этник ва этномаданий алоқалар, аввало, тилда ўз аксини топган бўлади. Этносинг тилида юз бераётган ўзгаришларни этнолингвистик жараён сифатида талқин қилиш мумкин. Этнолингвистик жараёнлар тушунчаси эса тиллараро муносабатлар, алоқалар ва турли мустақил тилларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиш жиҳатларни ҳам қамраб олади. Арабларнинг ушбу ҳудудга кириб келиши билан узоқ давом этган этник-миграцион жараёнлардан сўнг, водий аҳолисининг этник шаклланиши янада мураккаблашди, араб тилига хос сўзлар тилимизга ўзлаша борди.

Маълумотларга кўра, араблар алоҳида яшаган бўлсалар-да, йиллар ўтиши билан аста-секин маҳаллий аҳолига яқинлашиб, уларга араллашиб кетган. Ҳозирги кунда Избоскан туманининг Қумарик, Яккатут, Тўраобод, Араб

махалла, Бўз туманиниг Охунбобоев ҚФЙ, Пахтаобод туманиниг Маданият, Шаҳрихон туманиниг Холдовонбек ва Асака туманиниг айрим ҳудудларида ўзларини араблар уруғидан деб ҳисобловчи аҳоли вакиллари учрайди. Лекин ушбу аҳоли вакиллари тилида араб тилига хос хусусиятлар ва этнографик белгилар, урф одатига хос элементлар сақланмаган.

Араб этноними билан боғлиқ жой номларини ареал жиҳатдан кузатар эканмиз, Пахтаобод туманида *Арабқишлоқ*, Избоскан туманида *Тошлоқараб*, *Тунокаараб*, *Арабмахалла*, Марҳамат туманида *Араб*, *Арабий тўпи*, Шаҳрихон туманида *Тожиқараб*, *Чўжаараб*, *Қизилараб*, *Арабтўпи*, Бўз туманида *Мирараб*, *Арабмозор*, Балиқчи туманида *Каттаараб*, *Кичикараб*, тарзидаги этнотопонимларни учратишимиз мумкин. Бундай этнотопонимлар араблар билан боғлиқ этнослар яшайдиган жой номларини кўрсатади. Араб этноними билан боғлиқ номлар вилоятнинг маълум бир ҳудудларида (асосан, 6 та туман ҳудудида) учрайди, бу номлар таркибида араб этнонимининг мавжудлиги билан бошқа даврларда юз берган ҳолатлардан фарқ қилади. Кўриб ўтганимиздек, ушбу этноним топонимга ўтиб, тўп, маҳалла, қишлоқ компонентларини ўзида сақлаб қолган.

Ушбу этнотопонимлар ҳам вилоят аҳолиси, умуман, ўзбек халқининг шаклланиш тарихини, этногенезиси масаласини ёритишда қўшимча манба-материал бўлиб хизмат қилади.

1.3. Мўғуллар даври. Мўғуллар истилоси натижасида этноним ва этнотопонимларнинг ривожланишида янги босқич бошланди. Мўғул хони Чингизхон ва унинг авлодлари ягона ҳукмронликни қўлга киритгач, маҳаллий уруғ ва қабилалар ўз мавқеларини мўғулларга қай даражада алоқадор эканлигига қараб белгилаганлар.

Рашидиддиннинг «Жомеъ-ат таворих» асарида келтирилишича, ўша вақтда Чингизхоннинг сиёсий бирлашмасига кирган туркий халқларнинг ҳаммаси мўғул деб аталган. Муаллифнинг фикрига кўра, мўғулларнинг аввал оз бўлганлиги, кейинчалик улар айрим қабилаларни енга бошлагач, енгилган ва улар томонига қўшилган қабилалар ўзларини мўғул деб атай бошланган. Масалан; асарда эргуне-кун деган катта қабила (уруғ) тўғрисида шундай дейилади: «Мўғул сўзи улар уруғининг номи бўлиб қолди. Энди улар шу номни мўғулларга ўхшаш бошқа халқларга ҳам тарқатиб юрибди, чунки уларнинг бошқа халқлар билан аралашуви ўша мўғуллар даврига тўғри келган эди. Аслида, бу кейинги халқлар турклардир», ... «Шундай қилиб, туркларнинг катта қисми мўғуллар деб аталадиган бўлиб қолди» дейди.

Рашидиддин жалайир, сунит, татар, меркит, курлавул, тулас, тумат, булагачин (булғочин), керемучин, урасут, тамғалик, торғут (торгут), ўйрот (ойрот), баргут (бургут), кўри (кўри), тилингут, урянкат, куркан, сукайт каби қабилаларни мўғулларга алоқадор деб кўрсатиб ўтади. Мўғул номини олган халқлар қаторида керайт, найман, унгут, тенгук, бекрин (бахрин) ва қирғиз халқларини санаб кўрсатади.

Асар давомида муаллиф мўғуллардан келиб чиққан халқлар қаторида нукус, урянкат, кўнғирот, икрас, ўлқунит, куралас, элжигин, кун-кулают, ўртаут, кўнқўтон, орулат, килингут, кўнжун, уйшин, сулдуз, элдуркин, боёвут ва кингит каби қабилаларни санаб ўтади.

Рашидиддин юқоридаги фикрини давом эттириб: «Улар (юқорида саналган қабилалар) нинг ҳозирги авлодлари ўзларини қадимги вақтлардан бери мўғулларга қўшилиб кетган, деб хаёл қиладилар. Ҳолбуки, бундай эмас, балки қадимги вақтларда мўғулларнинг ўзлари ҳам чўлларда яшовчи туркий халқларнинг бир бўлаги бўлган», деб ёзади.

Асарда «Ҳатто мўғулнинг ўзи ҳам илгари вақтда туркнинг бир кичик бўлинмасидан иборат эди», - деган фикрнинг мавжудлиги Чингизхон билан Ўрта Осиёга келган ва мўғул деб аталган кўпгина қабилаларнинг тарихи, этногенези ҳақида янги фикрлар билдириш имкониятини беради. Демак, шу нарса маълум бўладики, ўзбеклар таркибидаги жуда кўп қабилалар аслида мўғул бўлганликлари учун мўғул деб аталмаган, балки мўғуллардан чиққан саркардалар бошлиқ бўлган сиёсий бирлашмаларга қўшилганлиги, яъни Чингизхон қўшинлари таркибида бўлганлиги учун мўғул деб аташ одат тусига кирган. Ушбу асарни Европа олимлари ғарб тилларида дастлабки даврларда «Мўғуллар тарихи» деб таржима қилишган.

Шу тариқа ўзбек халқининг таркибидаги этник гуруҳларни аниқлашда жуда катта чалкашлик келиб чиққан. Рашидиддиннинг бу ноёб тарихий асари XIV аср ва унғача бўлган тарихимиз тўғрисида жуда тўғри маълумотлар бериш билан бирга, юқоридаги сингари чалкашликларни бартараф қилишда ҳам энг муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Тарихчи олимларнинг фикрига кўра, мўғуллар истилосидан сўнг XIII аср охири, XVI аср бошларида водийнинг шарқидаги йирик стратегик шаҳар ва муҳим савдо маркази сифатида Андижоннинг мавқеи кўтарила борган. Мўғул хонлари Тува (Дува) ва Ҳайдулар Қошғар савдо йўлини ўз қўлида сақлаб қолиш учун, айниқса, Андижонга катта аҳамият бердилар. Табиийки, бу жойга ўз одамларини юборганлар. Натижада Андижон шаҳри атрофидаги ҳудудларда

мўғул этнонимлари билан боғлиқ жой номлари пайдо бўлди. Айтишларича муғуллар кўчманчи халқ бўлгани боис, шаҳарга кирмай унинг атрофидаги серўт, серсув жойларга муҳим ўрнашиб олдилар. Найман, сулдуз, уйшин, айрончи, арғин, ахтачи, дархон, жевачи каби мўғул уруғи шаҳарни ҳалқа сингари ўраб турган, кўламини кенгайтирган. Кейинчалик улар маҳаллий халқ билан аралашиб, уларнинг таркибига сингиб кетган. Улар жойлашган ер эса уруғ (қабила) номи билан атала бошлаган. Йиллар ўтгани сари ушбу этнотопонимлар тилда барқарорлашган ва водийнинг бошқа шаҳарлари теграсида ҳам пайдо бўлган. Масалан; *Баҳрин* (Андижон, Хўжаобод, Асака туманларида), *Найман*, *Дўрман*, *Арғин*, *Ахтачи*, *Кужган*, *Унгут*, (Асака тумани), *Найман*, *Кичик Найман*, *Катта Найман*, *Айрончи*, *Дархон*, *Жевачи*, *Кўнжи* (Андижон тумани), *Пастки дўрмон*, *Ёнбош дўрмон* (Шаҳрихон тумани), *Сулдуз*, *Уйшин*, *Айрончи* (Олтинкўл тумани), *Дўрманча* (Бўз тумани), *Найман* (Балиқчи, Булоқбоши, Марҳамат, Шаҳрихон туманларида) каби этнотопонимлар шулар жумласидандир.

Мисол сифатида Дўрман этноними этимологияси ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида ушбу таърифни келтиради. “Мўғулларнинг Бичинқаён исмли подшоҳи бўлиб унинг беш ўғли бор эди. Кичиги барчасидин яхшироқ бўлгани ҳолда, отаси ўлими олдидан кичик ўғлимни тўра қилинлар деб васият қилди. Халқ ҳам кичик ўғил Тимач Мерганни тўраликка лойиқ билдилар, лекин бошқа тўрт ўғил бизни тўра қилмасангиз рози эмасмиз деб элдан ўпкалаб ўз юртларидан кетиб бошқа эл ичида яшай бошлаган. Мўғуллар тўрт сонини дўрман дегани ҳолда. Бу йигитлар ёт элларда дўрманлар деб аталган”.

Бундан ташқари, Суюн Қораевнинг ёзишича Найман қабиласи таркибида Айрончи уруғи қайд қилинган бўлиб, вилоятда учровчи Айрончи топоними жойлашиш ўрни бўйича Найман, Уйшин ва Сулдуз этнотопонимларига яқин ҳудудда жойлашган.

Ўзбек тилига мўғул тилидан ўзлашган сўзлар анчагина. Бу ҳолат ўзбек топонимиясида ҳам ўз изини қолдирган бўлиб, буни тилимиз топонимия тизимига мўғул тилидан кириб келган ва тилнинг луғавий таркибига сингиб кетган топоним ҳамда топонимик элементлар мисолида кўришимиз мумкин.

Баъзи лингвистик адабиётларда мўғул тилига хос дейилган бир қанча сўзлар, аслида туркий тилларга тегишли сўз бўлиб, бундай сўзларнинг лексик дублети ёки услубий синонимлари йўқ. Шунинг учун бундай сўзлар туркий ва мўғул тиллари учун умумий бўлган муштарак сўзлар ҳисобланади.

Ушбу сўзлар гуруҳи баъзи олимлар томонидан туркий ва мўғул тилларнинг генетик жиҳатидан қариндош тиллардир, деган хулоса чиқариш учун асос бўлган.

1.4. Қипчоқлар даври. Қипчоқлар туркий тили этносларнинг энг йирик нуфузли қабилаларидан бир бўлиб, узоқ давом этган этник ва этнослараро жараёнлар давомида ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ каби туркий халқларнинг этник таркибига сингиб кетган. Ушбу халқларнинг миллат бўлиб ташкил топишида ва шаклланишида фаол иштирок этиб, уларнинг таркибига муҳим компонент сифатида кирганлар.

Қипчоқларнинг Фарғона водийсида қачондан буён яшаётгани ҳақида турлича фикрлар билдирилган, аммо айрим тадқиқотчилар уларнинг бу ерга XVI асрда Шайбонийхон қўшини таркибида келганлигини таъкидлайди. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса қипчоқларнинг водийга XVIII асрнинг 20-30 йилларида келиши билан боғлайди.

Уруғ ва қабилаларга бўлиниш қипчоқларга хос хусусиятларидан бири бўлиб, водий ҳудудида яшаган қипчоқлар тўртта катта гуруҳга бўлинган. Булар: қипчоқ (ёки тоза қипчоқлар), қирғиз-қипчоқлар, хитой-қипчоқлар ва сарт(ўзбек)-қипчоқларга бўлинган. Тўрт гуруҳга бўлинишдан ташқари қипчоқлар ўтмишда бир неча уруғ ва тармоқлардан иборат бўлган. *Кўгай, буғач, кумушой, ўлмас, пучугой, элатан, бўғоз, тоз, сирмоқ, еттиқайша, қутлуғсаид, черек, қўкмўйин, тўртайғир (тўрт оғайни), тўртой, товулди, чангароқчи, чиял, қулон, оқбўйра, қорабовур, бошқирт, тикан, қоратикан, оқтикан* каби уруғлар шулар жумласидандир. Ҳозирда қипчоқ уруғларининг номи улар яшаган ҳудудларда этнотопоним тарзида сақланиб қолган.

Андижондаги қипчоқ уруғларининг маълум бир қисми қирғизлар таркибига ҳам қўшилиб кетган. Қирғиз қипчоқлар, асосан, вилоятнинг шарқий-жанубий қисмларида жойлашган. Вилоятдаги қипчоқ уруғларига тегишли кўплаб этнотопонимларнинг барчасини аниқлаш ва қайд этиш бир оз қийинчилик туғдириши мумкин, чунки қипчоқ уруғи ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ каби туркий тилли уруғ-қабила бирикмалари таркибида ҳам учрайди. Қипчоқ уруғининг тармоқларига асосланган этнотопонимлар вилоятимиз ҳудудида талайгина: Балиқчи туманида *Еттиқайша, Товулди, Сирмоқ, Ўлмас(Олмос), Катта ўлмас, Кичик ўлмас, Пучугой, Оқтикон Тумор*, Избоскан туманида *Қипчоқовул, Қипчоққўрғон, Чангароқчи, Пучугой, Бўғоч, Туячи, Элатан, Кўгай, Оқбўйра, Қипчоқ, Ўлмас*, Олтинкўл туманида *Тумор (Думар), Оқтумор, Қизилмуш, Қипчоқ*, Асака туманида *Оқбўйра, Тумор, Туячи,*

Қипчоқ, Элашқипчоқ, Биринчи Қипчоқ, Шаҳрихон туманида Қорабўйин, Қипчоққўрғон, Сўзоқ, Тумор, Ўртатумор, Чектумор, Марҳамат туманида Туячи, Хўжаобод туманидаги Туячи, Сўзоқ, Булоқбоши туманида Сузоқ, Сўқолоқ, Туялас, Туячи каби этнотопонимлар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, вилоятнинг Қирғизистон республикаси билан чегарадош туманларида қирғизлар таркибидаги қипчоқ уруғларини учратишимиз мумкин: Жалакудук туманида Кармиш, Жаманок, Омонок, Кўрғонтепа туманидаги Тўрайғир, Тазқипчак, Алтаке, Ёртибош, Хўжамшукур, Қоракалтак, Кармиш, Марҳамат туманидаги Каллар, Шаҳрихон туманидаги Шердан этнотопонимлари бунга мисол бўла олади.

Ушбу этнотопонимларнинг ҳар бири остида халқимиз тарихининг бир бўлаги, урф-одатлари ётади. Номларнинг айримлари вилоят туманларида параллел учрайди. Масалан: Қизилоёқ этнотопоними Пахтаобод, Жалакудук, Марҳамат туманларида мавжуд.

Ўзбек миллатининг сон ва таркиб жиҳатидан энг катта компоненти таркибини қипчоқ-ўзбеклар ташкил қилади. Бу компонентнинг асосий қисми тарихий-хронологик нуқтаи назаридан ўзбек миллати таркибига кейин қўшилган, лекин айна вақтда бутун миллат вакилларининг ягона, умумий номи бўлиб қолган «ўзбек» номини ҳам шу компонент олиб келган.

Қипчоқ-ўзбеклар қадимги даврларда туркий халқларнинг қипчоқ гуруҳига кирувчи минг, юз, қирқ, қипчоқ (тор маънода), қангли, қиёт, қўнғирот каби уруғ ва қабилалар асосида ташкил топган бўлиб, Итил (Волга) ва Дунай дарёлари, Ҳазар (каспий) денгизи, Орол денгизи, Урал тоғлари, Ғарбий Сибирдаги Иртиш ва Энасой дарёлари бўйларида яшаганлар, Еттисувда тузилган турк хоқонлигида ҳам анча мавқега эга бўлганлар. Улар рус солномаларида «половецлар», Византия солномаларида «куманлар» деб аталади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону-луғатит турк» ва Рашидиддин-Фазлуллоҳ Казвинийнинг «Жомеъ-ат таворих» асарларида қипчоқлар деб эсланади ҳамда қипчоқ сўзининг этимологияси ҳақида батафсил маълумот берилади.

Чингизхон даврида қипчоқларнинг Куптек деган бошлиғи бўлган деган фикрлар мавжуд. Қипчоқ-ўзбеклар Ўрта Осиёга баъзи тарихчи ва бошқа олимлар ўйлаганларидек, фақат XVI асрдагина эмас, балки улар бу ерга қадимги вақтлардан, яъни эрадан олдинги II-III асрларда (хатто ундан олдинги даврлардан) келган бўлиб, ўша вақтларда бу ердаги қипчоқлар бошқа туркий халқларнинг умумий сонига нисбатан анча озчиликни ташкил қилган.

Қипчоқ - ўзбеклар Ўрта Осиёга келгунига қадар жуда қолоқ давлат вакиллари бўлган эмас, балки улар ҳам бу давргача анча катта маданиятга, оғзаки ва ёзма адабиётга эга бўлган. Тарихий асарларда қипчоқ-ўзбекларни Ўзбекистон ҳудудига кириб келишини уч катта даврга бўлиб кўрсатилади.

1-давр. Энг қадимги даврлардан тортиб XIII асргача, яъни Чингизхон Ўрта Осиёга бостириб кирган вақтгача, чунки баъзи манбаларнинг кўрсатишича, қипчоқлар энг қадимги даврларда ҳам Мовароуннаҳр билан яқин алоқада бўлган. Бу ҳақда Қошғарийнинг «Девону-луғотит турк» асарида ҳам етарли маълумот бор. Лекин қипчоқлар Ўрта Осиёдаги ўтроқ халқлар билан жуда қадимдан яқин алоқада бўлганликларига қарамай, бу даврда уларнинг асосий қисми Ўрта Осиё ҳудудидан ташқарида яшар эди.

2-давр. XIII асрнинг 20 йилларидан XVI асрнинг бошларигача бўлган давр Чингизхон қўшинлари таркибида келган аскарларнинг кўпчилиги қипчоқ-ўзбеклардан иборат эди. Рашидиддиннинг кўрсатишича, Чингизхон бошчилигида келган қипчоқ-ўзбекларнинг деярли ҳаммаси туркий халқларга мансуб бўлишига қарамасдан мўғул номи билан аталган. Ушбу қўшиннинг ҳаммаси мўғуллардан иборат бўлмай, балки уларнинг асосий қисми Мўғулистон атрофида яшовчи туркий халқлардан, хусусан, қипчоқлардан ташкил топган эди.

3-давр. Бу давр XVI асрдан бошланади. Маълумки, бу даврда қипчоқ-ўзбеклар ёппасига Ўрта Осиёга келиб жойлашди ва бу ердаги аввалги ўзбеклар билан ҳар томонлама аралашиб йўлига ўта бошладилар.

Ўша даврдан бошлаб, аста-секин ўзбек тилида қипчоқ уруғлари номи билан юритиладиган этнотопонимлар пайдо бўла бошлади. Бунинг Ўрта Осиёда яшовчи туркий тилли халқлар учун жуда катта прогрессив аҳамияти бор эди. Боиси, улар киргунга қадар аксарият жой номлари сўғдча, форс-тожикча, тохарча аталар эди. Қипчоқ уруғларининг шарофати билан ўзбек тилида туркий этнотопонимлар барқарорлаша бошлади.

1.5. Шўролар даври. Россияда капитализмнинг ривож топиши ва саноатнинг ўсиши, ишчи кучи ҳамда ҳом ашёга бўлган эҳтиёж натижасида, чор Россияси 1853 йилдан бошлаб Ўрта Осиёга ўз юришларини бошлади. Бу ҳаракатлар асрлар давомида амалда бўлган этнотопонимларни янги сифат босқичига кўтарилишиги сабабчи бўлди. Янги забт этилган ҳудудларда ташкил қилинган шаҳар ва истеҳкомлар янги мафкура асосидаги номлар билан атала бошлади. Жумладан; 1898 йилда бўлиб ўтган Андижон кўзғолони ғоятда шафқатсизлик билан бостирилди, унинг қатнашчиларидан бир нечтаси отиб

ташланди ва калтакланди. Қўзғолоннинг ўчоғи Мингтепа волостиға қарашли бир нечта қишлоқлар рус қўшинлари томонидан тўпга тутилиб вайрон қилинди ва аҳоли орасида қурбонлар кўп бўлди. Аҳоли уй жойларидан ҳайдаб чиқарилди. Андижон қўзғолонидан анча талофат кўрган Мингтепа, Қашқар, Тожик қишлоқлари ўрнида 1899 йилда Рус посёлкаси вужудга келди. Бу ерга Россиядан 200 га яқин оила кўчириб келинди. Посёлка яқин вақтларгача *Русское село* номи билан юритилган.

Рус истилоси ва шўролар сиёсати туфайли, халқимиз тарихи, турмуш тарзининг турли босқичларида юзага келган этнонимлар, антропонимлар ва диний эътиқод, тушунча, тасаввурлар билан боғлиқ топонимларга эскилик сарқити сифатида қаралиб, улар бошқа номларга ўзгартирилди. Бу даврда ўзгартирилган ва янги пайдо бўлган топонимлар мазмун-моҳият жиҳатидан эски мафқурани ўзида мужассамлаштирган эди.

Ўзбек миллатининг миллий хусусиятларини акс эттирувчи кўплаб жой номларига жиддий путур етди, чунки маънавиятга суянчиқ бўла оладиган ўз миллий давлатимиз йўқ эди. Шу сабабли келгусида барча миллатлар бирлашиб кетадилар, деган назария ҳар томонлама тарғиб қилинди. Республикамиз ҳудудида, жумладан, вилоятимизда яшовчи кичик этник гуруҳлар (уруғ ва тўплар) номлари билан боғлиқ этнотопонимлар ўрнида *Бирлашган*, *Дўстлик*, *Иттифоқ*, *Ижтимоят*, *Мустаҳкам* каби сунъий коммунистик мафқурани ўзида яққол ифода этган номлар вужудга келди. Масалан: Хўжаобод туманида юзлар, чалака (қирғиз уруғлари) ва турк уруғлари (элатлари) номи билан боғлиқ аҳоли пунктлари (кўчалари) бирлаштирилиб, *Бирлашган* деб аталган бўлса, Олтинкўл туманидаги *Қашқар* ва *Қорақалтоқ* маҳаллалари колхозлаштириш даврида ахил ва бирдамлик билан меҳнат қилганлиги сабабли Иттифоқ номини олди.

Шўролар даври топонимиясида ўзига ҳос русча-байналмилал қатлам юзага келди. Бу ҳолат этнотопонимлар билан боғлиқ барча микротопонимлар таркибида учрайди. Масалан: *Озарбайжон кўчаси*, *Туркменистон кўчаси*, *Қирғизистон кўчаси*, «Украина», «Болгария» *совхозлари*, «Эстония», «Армения», «Қирғизия» *каби савдо шоҳобчалари* «Ҳиндистон», «Россия», «Қозогистон» *каби кинотеатр номларида акс этган.*

Шўролар сиёсати туфайли сунъий коммунистик мафқуравий номлар авж олган бир пайтларда этнотопонимларнинг аксарияти ўз маъно хусусиятини йўқотган бўлса-да (этнотопонимлар асосида кўплаб ёлғон этимологиялар вужудга келган), бугунги кунгача етиб келган. Масалан: *Сулдуз* этноними билан

номланган жой номи *Сувюлдуз* тарзида ифодаланган бўлиб, жой номи этимологиясига ҳам коммунистик бўёқ берилган. (Сув - деҳқончиликнинг асосий манбаи, деҳқоннинг кўш қаноти, юлдуз - қизил юлдуз каби белги, яъни ишчи-деҳқон синфининг белгиси тарзидаги ёлгон этимологиялар халқ орасида учрайди).

1.6. Мустақиллик даври. Неоэтнотопонимлар - этнонимлар билан боғлиқ янги жой номлари ёки янги ўзгартирилган жой номлари.

Жуда кўп жой номлари халқимизнинг келиб чиқиши, бошидан кечирган турли хил тарихий воқеалардан гувоҳлик бериб туради. Бу жиҳатдан этнослар билан боғлиқ жой номлари алоҳида ўринни эгаллайди. Мустақиллик туфайли, Республика ҳудудидаги жой номларини тартибга солиш, ўзгартириш ва қайта номлаш бўйича, босқичли тарзда кўплаб ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда мустақилликнинг илк йилларида эски тузум мафқураси билан боғлиқ номларни бартараф қилиш, мақсадида туман ҳокимликлари томонидан топонимик ўзбошимчалик юзага келди (шахс номлари билан боғлиқ номлар кўпроқ қўйила бошланди). Буни ўз вақтида англаган ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қонун ва қарорлар асосида ўзгартирилган ва унутилишга юз тутган тарихий номларни тиклаш, жой номларига миллий, тарихий-анъанавий, ўзбекона руҳ бериш асосида ишлар ташкил қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларига ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида» ги 383-сонли қарори жой номларини тартибга солиш борасидаги ишларни умумхалқ ишига айлантирди. Бунга кўра вилоят, шаҳар, туманларда топонимик комиссиялар иш бошлади. Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссиялар томонидан барча жой номлари ҳозирги кун ҳолатига кўра ўрганиб чиқилди. Сўнгра вилоят топонимик комиссиясига шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан жой номларинининг маъно ва мазмунига доир ўзгартириш бўйича турли таклифлар киритилди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Андижон вилояти ҳудудида қадимий уруғ ва қабилаларнинг, қардош, ноқардош халқлар таркибида учровчи қабилла уюшмалари ҳамда уларнинг номлари асосида қайд қилинган жой номлари талайгина эканлиги этнотопонимларни тўплаш жараёнида юзага

келди. Этнотопонимларни ўрганиш давомида бошқа вилоятлар ҳудудда учрамайдиган лингвистик ҳодиса қайд қилинди: Маълумки, қипчоқ уруғларига тегишли кўплаб этнотопонимларнинг барчасини аниқлаш ва қайд этиш бир оз қийинчилик туғдиради, чунки қипчоқ уруғи ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ каби туркий тилли уруғ-қабилла бирикмалари таркибида ҳам учрайди. Ушбу ҳолат вилоятдаги ўзбек ва қирғиз халқлари таркибида алоҳида бир-бирини такрорламайдиган тарзда учрайди

Этнотопонимларни тадқиқ қилиш биринчи навбатда ўтмиш аجدодларимиз – туркий ва бошқа халқ, элат, қабилла-уруғларнинг ҳозирги Андижон вилояти ҳудудининг қаерларида яшаганликлари, қайси ҳудудлар бўйича кўчиб юришгани ва ҳозирда уларнинг зурриёдлари қайси жойларда истиқомат қилиб турганлигини аниқлаш имкониятини беради.

Андижон вилояти этнотопонимлари тарихий-этимологик жиҳатдан турли тилларга мансубдир. Ҳудуд этнотопонимларининг асосий қисмини туркий тилларга оид материаллар ташкил қилади. Шунингдек, мўғул, форс-тожик қатламларига хос этнонимлар ҳам учрайди.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. – Тошкент: 1995, 20 – б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008 – 288 б
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / С.М.Муталибов таҳрири остида. – Тошкент, 1963. I том. – Б. 488.
4. Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. – Тошкент, 1967. – Б.5.
5. Аҳмадалиев Ю. “Анди” – тутинган демак // Фан ва турмуш. –Тошкент, 1997. - № 1. – Б. 25.